

**«ЎзРТХБ» АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга киритилувчи ўзгартириш ва қўшимчалар**

Амалдаги тахрир	Таклиф этилаётган тахрир	Асос
	<p><b>2.1. банд қуйидаги абзацлар билан тўлдирилади:</b>  <b>2.1. Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради:</b>  Биржа устав капитални ўз капитали ҳисобидан қўпайтириш, ҳамда Биржа устав капитални ошириш ва Биржанинг эълон қилинган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни Биржа уставига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;</p> <p>қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) чиқариш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда эмиссия тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;</p> <p>корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини Биржада жорий этилиши устидан назоратни амалга ошириш;</p> <p>«Ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш;</p> <p>Биржада ташкил этилган ижроия органи, ички назорат қилувчи органлар, коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарурият туғилганда, Биржанинг ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган мақсадларга эришиш кўрсаткичларининг мониторинги учун эксперт мутахассисларни жалб қилиш;</p> <p>Биржа бошқарувига аъзолар ва Раиси лавозимига танловни эълон қилиш, танлов саралаш жараёнининг регламентини белгилаш;</p> <p>Халқаро молиявий ҳисоботлари стандартларига (ХМҲС) мувофиқ молия ҳисоботларини эълон қилиш мақсадида малакали аудиторлик ва ёки консалтинг ташкилотини жалб этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминлаш. Бунда Кузатув кенгаши ХМҲСга мувофиқ равишда молия ҳисоботлари ўз вақтида ошкор этилишининг назоратини амалга ошириши лозим.</p>	<p>«ЎзРТХБ» АЖ Уставининг 4.2. бандига мувофиқ</p> <p>«ЎзРТХБ» АЖ Кузатув кенгашининг ваколатларига аниқлик киритиш</p> <p>Корпоратив бошқарув кодекси 42 моддасининг тавсияси</p> <p>Корпоратив бошқарув кодекси 13 моддасининг тавсияси</p> <p>Корпоратив бошқарув кодекси 23 моддасининг тавсияси</p> <p>Корпоратив бошқарув кодекси 29 моддасининг тавсияси</p> <p>Корпоратив бошқарув кодекси 31 моддасининг тавсияси</p>
	<p><b>3.13. банд билан тўлдирилади</b>  <b>3.13. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қуйидаги ҳолларда ўз вазифаларини бажаришдан озод этиладилар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <i>ёзма ариза топширилганда;</i></li> <li>• <i>улар ваколатларидан маҳрум этилганда;</i></li> <li>• <i>ўз вазифаларини бажармаганда;</i></li> </ul>	<p>Корпоратив бошқарув кодексининг 20 банди 16 абзацининг тавсияси</p>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фаолиятга лаёқатсиз ёки қисман лаёқатсиз деб топилганда;</li> <li>• уни озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирганда;</li> <li>• вафот этганда;</li> <li>• саломатлигининг ҳолати ва бошқа асосли сабабларга кўра ўз вазифаларини бажара олмаса.</li> </ul>	
	<p><b>6.9. банд билан тўлдирилади</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Биржа Кузатув кенгашининг қошида кўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этилиши мумкин, масалан, <i>аудиторлик кўмитаси, кадрлар ва мукофотлаш бўйича кўмиата ва ҳоказо.</i></li> </ul>	Корпоратив бошқарув кодексининг 25 банди 5 абзацининг тавсияси
	<p><b>6.10. банд билан тўлдирилади</b></p> <p><b>6.10.</b> Кузатув кенгашининг аъзолари йиллик акциядорлар умумий йиғилишида ўз ҳисоботлари билан иштирок этишлари лозим.</p>	Корпоратив бошқарув кодексининг 20 банди 15 абзацининг тавсияси